



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 15 август, № 160 (5580) • Чоршанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Собиров Ришод Рашидович — дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тигиев Соҳла Вазноевич — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Атоев Аббос Абдураззокович — бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Таймазов Артур Борисович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 14 август

Тадбир

Анджон шаҳрида тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Имтиёз ва масъулият

Журналистлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, манфаатдор идоралар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вақиллари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари соҳа ривожига янги босқични бошлаб берганлиги алоҳида таъкидланди.

Айтиш керакки, юқоридаги ҳужжатларда ортқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, закон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш орқали мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш борасида қатор имтиёз ва энгилликлар бериш назарда тутилган. Тадбирда иштирокчиларга ана шу масалалар юзасидан кенг тушунчалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Ислохотлар — тадбиркорлар нигоҳида

Иқтисодиётимизнинг таянч қучига айланган кичик бизнеснинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у дастлаб, асосан, улгуржи ва чакана савдо соҳасида намоён бўла бошлаган эди. Бу, энг аввало, иқтисодий шарт-шароит тақозоси, яъни савдо ва хизмат кўрсатишнинг камжаражатлилиги билан боғлиқ эди, десак, янглишмаймиз. Қолаверса, шу даврда давлатимиз томонидан мазкур тармоқ қорхоналарини хусусийлаштириш учун қулай шароит яратиб берилгани бунга катта туртки бўлди.

Кичик бизнеснинг катта имкониятлари

ишлаб чиқаришни модернизациялаштиришнинг беқиёс самараларида ўз ифодасини топмоқда

Бугунги кунда кичик бизнес кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Наманган вилояти мисолида айтилган бўлсак, кичик қорхоналарнинг асосий қисми мейбелсозлик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, энгил санат ва озиқ-овқат санонатига ихтисослаштирилган. 2008 йилда ташкил этилган бизнинг «Ифтихор кийим саноти» масъулияти чекланган жамиятимизда тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мо-

дернизация қилишимизни талаб этди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил ёзида вилоятимизга ташрифлари чоғида асосий эътиборни худуд санот салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиб, бу борада берган кўрсатмалари тадбиркорлик фаолиятимизда қўшимча имкониятлар эшигини очди. Гап шундаки, орадан кўп ўтмай, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августда қабул қилинган «2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида санотни ривожлантириш

ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, қорхонамизга «Агробанк» томонидан 554 минг АКШ доллари миқдорига имтиёзли кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар сотиб олинди. Натижада қорхона тўлиқ модернизация қилиниб, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари илғор технологиялар асосида амалга ошириладиган бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Ватанга муҳаббат туйғуси мўъжизакор кучга эга. У шoir қалбидан шеърү газал, бастакор ва хонанда юрагидан куй-оҳанг бўлиб чиқади. Ана шу уч ижод намунаси бир бутун қўшиққа айланганда эса, дилини титроққа солувчи асар яралади.

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жонажон диёримизни тараннум этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилган бу галги танлов анъанани кўра бир нечта босқичларда ўтказилиб, унда энг олис худудларда яшаётган иқтидор эгалари ҳам қатнашиши. Кўрик-танлов юрт ҳақида муносиб сўз айтишга аҳд қилган юзлаб истеъдод соҳибларини бирлаштирди, ижодий рақобатга чорлади. Энг муҳими, бундай ташаббус натижасида она-Ватан ҳақида кўплаб дилрабо хонишлар дунёга келди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республи-

Кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танловининг якуний босқичи голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жонажон юрт тараннуми

ка кўрик-танловининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида голиб бўлган 32 нафар истеъдод соҳибни ўз қўшиқлари билан иштирок этди. Тақдим этилган асарларни баҳолашга уларнинг матни, муסיқаси ва ижро маҳорати, Ватанини шарофлантирган, ор-номус, қадриқиммат, гурур ва ифтихор каби фазилатлар маҳорат билан ифода этилганига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ушбу нуфузли танловда нафақат голиб бўлиш, балки иштирок этишнинг ўзи ҳам катта шараф, — дейди кўрик-танловнинг Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ хофиси Улмас Саиджонов. — Мазкур ижодий беллашув янги овоз соҳиблари билан бир қаторда, шеърят, муסיқа йўналишида ижод қилаётган истеъдод эгаларини кашф этишга ҳам хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий технологиялар

маҳсулот сифати ҳамда иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаётир



Фаровонлики белгиланган мезонлар кўп. Хусусан, бозорларимизнинг турфа нозу неъматларга тўлалиги, дастурхонимиз тўқинлиги юртдошларимиз ҳаёт даражаси нечоғли юксак эканлигидан далолат беради. Бу бевосита Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотларинг ёрқин самарасидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Хусусан, кейинги йилларда қайта ишлаш санотининг ривожланиши билан жойларда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Пировадда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида бежирим идишларга қадокланаётган маҳсулотларимиз хорижда ҳам харидоргир бўлиб бораётир.

Сирдарё туманидаги «Интер-МИЛК» масъулияти чекланган жамияти қошида иш бошлаган сўни қайта ишлаш цехи фаолияти бунга мисол бўла олади. — Қорхонамиз Испаниянинг «Фибоса» компаниясидан келтирилган 381 минг евролик илғор технологиялар билан жиҳозланди, — дейди муҳандис Ботир Каримов. — Қурилиш-монтаж ишларига 271 миллион

сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 5 тонна сўни қайта ишлаб, пишлок, қаймоқ, кефир, творог, сариёғ, йогурт каби саккиз турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладик. Жамоамизда меҳнат қилаётган ўнга яқин ёшлар испаниялик мутахассислардан усқуналарни бошқариш кўникмаларини пухта ўзлаштиришди.

— Вилоятимизда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган 30 дан ортқ санот қорхонаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Холбоев. — Эндиликда ушбу ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаштиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бу эса маҳсулот сифати ҳамда иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шомурод ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: лаборатория ходимлари Омина Раимова ва Лайло Самиева.
Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Эътироф

— Узоқ йиллардан буйи спорт индустрияси соҳасида ишлаб келаман. Хизмат юзасидан жуда кўп давлатларда бўлганман. Аммо Ўзбекистонда кўрганларим бошқача. Бу ерда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган сиёсат нафақат шахарларни, балки энг чекка худудларини ҳам қамраб олгани диққатга сазовордир. Айниқса, дав-

Муваффақиятларнинг мустаҳкам асоси

латнинг соғлом авлод тарбияси йўлида қанча куч ва маблағ зарур бўлса, иққиланмай йўналтираётганига шу йил Навоий шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларига тайёрларик жараёнида бевосита қатнашиб, яққол амин бўлдим. Мусобақалар муносабати билан бу ерда 10 мингдан ортққ томошабинга мўлжалланган стадион, спорт заллари, сузиш ҳавзалари, тураржойлар барно этилди. Йўлар, хиёбонлар обод қилинди. Уларни кўриб, ҳавасингиз келади. Эътибор беринг: бу ишларга қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мана шу биргина мисол орқали мен Ўзбекистон ёшларининг бугун халқаро спорт ареналарида эришаётган ютуқлари асоси ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлдим.

Хабел ИНГОЛФ, Германиянинг «Spieth Gymnastic» компанияси муҳандиси.

Август ойи — ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи

Пахтачиликда, айниқса, август ойининг ўрни беқиёс бўлиб, ушбу даврда бажариладиган юмушлар мавжуд ҳосилни сақлаш ва кўсакка кўсак қўшишга хизмат қилади. Чунки деҳқончилик тақвимига кўра, август — асад ойи ҳисобланади. Халқимизнинг «Асад — экиннинг ясади» деган ахойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, ғўза парваришидаги муҳим агротехника тадбирлари айни шу пайтга тўғри келади.

Парваришдаги муҳим босқич

Демак, ҳосилнинг чўғи юқори, сифати юксак ва эртаги бўлишини истаган фермерлар айни шу кунларда ғўза бошида парвона бўлиб, экинни чанқотиб кўймасдан культивациялаш, ҳосилни зараркунанда ва касалликлардан муҳофазалаш тадбирларининг маромида адо этилишига жиддий эътибор қаратиши шарт. Деҳқонлар орасида «Пахтани техника пиширади» деган гап юради. Аслида ҳам шундай. Сабаби, ғўза қатор ораларига қанчалик кўп ишлов берилса, экин ривож шунчалик жаддаллашиб, мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйилади. Шунингдек, ҳосилнинг пишиб етилиш муддати тез-

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2012 йилнинг олти ойида мамлакатимизда ташкил этилган биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида умумий оборот ҳажми

8,8 фоизга ўсди.

Ўтган даврда бундай савдоларда ёнишдан ҳосил бўлган мазут, техник олтингурут, металл рух, минерал ўғитлар ва полиэтилен сотиш ҳажми анча кўпайгани ана шундай юқори натижага эришиш учун мустаҳкам замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

■ Танлов

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида компьютер уйинлари бўйича "Uzbekistan Cyber Games BeeLine — 2012" Ўзбекистон чемпионати голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иқтидор ва маҳорат намоёиши

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Фонд Форум", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "infoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилган мазкур танловга жорий йилда "Билайн" савдо белгиси остида фаолият кўрсатаётган "Unitel" масъулияти чекланган жамияти бош хомийлик қилди.

борот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ёш авлоднинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

"NFS Most Wanted" ва "FIFA" уйинлари бўйича ўзаро баҳс юритишди. Мазкур чемпионат икки босқичда ўтказилиб, аввало, жойларда минтақавий саралаш турнирлари ташкил этилди. Сўнгра унда голибликни қўлга киритганлар финал босқичида беллашишди. Айтиш жоизки, сўнги босқичда Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари ўз иқтидорларини яққол намоён этдилар.

Танловда энг кучли иштирокчилар сараланиб, Ўзбекистон терма жамоаси шакллантирилди. Улар шу йилнинг ноябрь ойида Хитойда ўтказиладиган компьютер уйинлари бўйича Гранд-финал (GF WCG 2012) баҳсларида юртимиз шарафини химоя қиладилар.

Тадбир эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар билан якуланди.

Э. ДОЛИМОВ.

Муқаддас замин сەҳри ва синоати

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида "Муқаддас замин" деб номланган кўрғазма очилди.

■ Кўрғазма

Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган ушбу кўрғазмада ранг-тасвирчи расом Муҳаммадjon Жўрабоевнинг элликдан зиёд асарлари намоёиш этилмоқда. Рассомнинг табиат гузалликлари, юртимиздаги қадимжолар, тарихий шахслар, бунёдкор юртдошларимиз сиймолари акс этган картиналари томошабинни эътиборсиз қолдирмайди. Натюрмортларда эса сўлим боғларимизда етиштирилган сархил мевалар, тўкинлик тасвирланган.

О. ТАСТАНБЕКОВА.

● Реклама ва эълонлар ●

«HYDROLIFE BOTTLERS»
жамоаси

азиз юртдошларимизни Мустақилликнинг 21 йиллик шодиёнаси билан қутлайди!

Ватанамиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда зафарлар, дастурхонингизга эса қут-барака тилаймиз!
Эзгулик нури хонадонингизни ёритиб, қалбингизни доимо нурафшон этиб туришига тилакдошимиз!



Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари

«Хунарманд» уюшмаси
жамоаси

Ўзбекистон халқини жаннатмонанд тортиқмиз узра храшувбанлик, бунёдкорлик шукруни олиб келган

Мустақилликнинг 21 йиллиги билан муборакбод этади!

Хар бирингизга қўнғил осойишталиги ва оила бахтиёрлиги замғоз бўлсин!
Баргана мустақкам соғлиқ, эзгу орзуларингизни ҳўёбга ўқини ва тиларига омад тилаймиз!

Баърамнингиз қушлуғу бўлсин!



«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
қўйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 19 июлдаги 141 (5561)-сони ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 18 июлдаги 141 (12.202)-сонидан чоп этилган хабарномалар билан «КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига

чиқарилган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Зарафшон тор кўчаси, 6-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1017 кв.м. бўлган уй аукцион савдосидан олинди.

Савдодан олишга асос: Учтепа тумани СИБнинг 2012 йил 10 августдаги 778-80/15-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. **Телефон:** (8-371) 228-80-26.

«METAL GAZ» МЧЖ
ЖАМОАСИ

Сиз азиз ватандошларимизни энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан муборакбод этади!

Сизларга эзгулик, омад, соғлиқ ва бахт, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайди!



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси
(кейинги ўринларда — Суд департаменти)

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган танловда қатнашиш этиштигида савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар
Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.
Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш кўйилади.
Ўтказиладиган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.
Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси (Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 95-уй)да 2012 йил 15 августдан бошлаб ҳар кун и соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади:
● Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2012 йил 18 сентябрда;
● Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улўғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2012 йил 19 сентябрда;
● Сергели, Яққасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2012 йил 20 сентябрда танлов ўтказилиб, голиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов голибларини аниқлаш мезонлари
Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.
Қўйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайди:
— қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
— олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
— охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида жатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган.
Танловда голиб чиқишининг асосий мезонлари:
— истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги, вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги;
— мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
— мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;
— мавжуд яроқли техникаси;
— ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастилиги.

3. Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:
— комиссия номига ариза;
— давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
— савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шақллар) нусхаси;
— савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
— савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
— савдо дўконининг жойлашган манзили тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
— мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, навларга ажратилиши ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
— савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
— талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
— талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
— кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фойздан кўп бўлмаган миқдорда).

Қўрида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби
Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносидан —
Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 95-уй.
Тел.: (8-371) 235-94-67, 235-92-66
комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади.
Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловга» деган белги билан юборилиши керак.
Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.
Белгиланган муддатда тақдим этилган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси илмий муҳаррир Мейлижон Садиrowга волидаи муҳтарамаси
Ойбахор САДИROWнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси автотранспорт корхонасининг ходими Марип Нишанбаевга падари бузрукворинг
ЎРИНБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошрангметзавод» ОАЖ
жамоаси

юртимиз аҳлини ардоқли байрамимиз —
Мустақилликнинг 21 йиллиги
билан қутлайди.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларида юртдошларимизга бахт-саодат, омад ва муваффақият ҳамроҳ бўлишини, истиқбол режалари рўёбга чиқишини тилайди.

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, фойзу барака, тўқин-сочинлик олиб келсин!

TURKISTON BANK

Хурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар!

«Туркистон Банк»
хусусий очик акциядорлик тижорат банки
жамоаси сизларни жонажон Ўзбекистонимиз
Мустақилликнинг
21 йиллиги
билан табриклайди.
Барчангизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр,
оилавий бахт тилайди.

Инсон манфатлари, унинг бахт-саодати йўлидаги эзгу ишларимиз бароридан келсин. Ҳар бир оилага бундан-да зиёд қут-барака, бахту саодатлар насиб этсин.

Байраминииз қутлуғ бўлсин!

«ЎЗМЕЛИОМАЗЛИЗИНГ»
Давлат лизинг компанияси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини республикамиз
Мустақиллигининг
21 йиллик байрами
билан самимий муборакбод
этади.

Бизга эркин ва ташаббускорлик билан меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар очиб берган, кадриятларимизни қайта тиклаган ИСТИҚЛОЛИМИЗ абадий бўлсин!

Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларимиз сизлар учун, азизлар. Барчага сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такоран кўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси.
Бошланғич баҳоси — 245 114 100 сўм.

2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Арганчи универсал сервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Арганчи» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м. бўлган оғирхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 30 528 900 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш куналари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 29 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак Йўли» банки ОАИТБ «Сарбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-80-26. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такоран кўйилмоқда:

1. Зангиота тумани СИБ томонидан, 2011 йил 20 июндаги 15723-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифок» ҚФЙ, А. Икромов ж/хда жойлашган 2 қаватли оғирхона.
Бошланғич баҳоси — 259 414 000 сўм.

2. Қибрай тумани СИБ томонидан, 2011 йил 14 ноябрдаги 1-41/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўрғон ҳудудига жойлашган бино-иншоот.
Бошланғич баҳоси — 585 260 564 сўм.

3. Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2011 йил 20 декабрдаги 1-541-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙда жойлашган SUN CITY VILLAGE дам олиш оромоҳи.
Бошланғич баҳоси — 349 702 573 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

4. Юнусобод тумани СИБ томонидан, 2010 йил 24 майдаги 13478/23-11415/23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган кўчмас мулк.
Бошланғич баҳоси — 674 563 602 сўм.

5. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2009 йил 23 апрелдаги 1-160-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Гагарин кўчаси, 5-уйдаги 21-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 6 777 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, маъмур мулкларни сотиш юзасидан такорорий савдо 2012 йил 2 октябрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш куналари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кундан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Тел.: (8-371) 266-80-76.
Лицензия: RR-0052

ОБ-ҲАВО (15 август)	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида +22 +25 +38 +41 ☀️	Бухоро ва Навоий вилоятларида +21 +24 +38 +41 ☀️	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида +20 +23 +36 +39 ☀️	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +22 +25 +38 +41 ☀️	Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида +20 +23 +35 +38 ☀️	Тошкент шаҳрида +21 +23 +37 +39 ☀️
-------------------------------	---	---	---	--	---	---------------------------------------

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза яқуни — 22.00 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5